*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2016 йил **23 январь** ШАНБА **№ 8** (12852)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Тадбиркорлик

## НОНУШТА ДАСТУРХОНИГА ТОРТИҚ

**Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга устуворлик берилаётгани туфайли ўтган қисқа даврда бу соҳа иқтисодиётнинг муҳим тармоғига айланиб улгурди. Зеро, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналари сафи кенгайиши ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар кўпайишига сабаб бўлди. Энг муҳими, бундай саъй-ҳаракатлар, аввало, халқ фаровонлиги учун хизмат қилмоқда.**



Юқори Чирчиқ туманидаги "ASIAN JAM" масъулияти чекланган жамияти 11 хил ҳўл мевадан жем, шарбат, мураббо каби маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Ўтган йил жамоа 100 тоннадан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариб, ички бозорларимизни таъминлади.

– Бу йилги режаларимиз катта, – дейди корхона раҳбари Оксана Фатхуллаева. – Ёздан бошлаб сабзавотлардан ҳар хил тузлама ва тайёр салатлар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Бундан ташқари, чет давлатларга экспорт қилишни режалаштираяпмиз. Натижада, янги иш ўринлари яратилади.

Йигирмадан зиёд ходимларга барча қулай шарт-шароитлар яратилган корхонада ишчилар махсус кийим-бош билан таъминланган. Овқатланиш, ювиниш хоналари замон талабига жавоб беради. Қолаверса, тиббий ёрдам хонаси ҳам зарур дори-дармонлар билан таъминланган.

– Корхонада ишчилар учун ҳамма шароитлар мавжуд, – дейди ишчи Феруза Тожибоева. – Қишнинг совуқ кунларида иссиқ ва қулай жойда ишлашнинг гашти бўлак. Айниқса, ҳамкасбларимнинг кўпчилиги тенгқурларим эканлиги мени қувонтиради.

**Муқаддас ИСРОИЛОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Мансур НАХАЛОВ олган сурат.**

Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?!

**Қариндошимиз Қодир аканикига борганимда телефонда ким биландир гаплашаётган экан. Имо билан жой кўрсатди. Уйни кузатиб, ҳавасим келди: замонавий мебеллар, кондиционер, телевизор, дарвоза олдида автомобиль...**

## БЕМИННАТ ДАСТЁР

Президентимиз раҳнамолигида ҳар томонлама узоқни кўзлаб амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасида халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати юксалиб бормоқда. Эътибор қилсак, деярли ҳар бир юртдошимизнинг хонадони мана шундай замонавий шароитлар, қулайликларга эга.

Қодир ака ҳам ҳаракатчан одам. Уйини ҳавас қиларли даражада жиҳозлабди. Хаёлимни унинг хайрлашув сўзлари бузди:

– Гап шу. Кейинги ойнинг ўнинчисида тўй, – деди у. – Андижондан Жиззахгача анча йўл. Шуни ҳисобга олиб, бир кун олдин оилангизни олиб келаверасиз. Қолганларга ҳам тайинлаб қўйдим. Кутаман...

Қодир ака телефонни қўйиб, менга юзланди.

– Қаранг, бундан бир неча йил илгари катта ўғлимни уйлантирганимда тўйга айтиш учун бир ой вақтим кетганди. Йўл машаққатларини гапирмаса ҳам бўлади. Бугун бутунлай бошқача манзара. Мана бу жажжи аппаратда ярим соатнинг ичида олис вилоятлардаги оғайниларимни тўйга таклиф қилиб бўлдим. Шундай кунларга етказганига шукур! Узоғимиз яқин, оғиримиз енгил.

Дарҳақиқат, бундан 20-25 йил муқаддам бир оғиз гапни айтиш учун узоқ масофа босиб, кўплаб вақт сарфлашга тўғри келарди. Ўша пайтларда "бир кун келиб, ҳар бир одам ўз шахсий мобиль телефонига эга бўлади, хохлаган ишни саноқли дақиқада уйда ўтириб ҳам бажариш мумкин", деса ким ишонарди?! Истиқлол шарофати билан ўша орзулар рўёбга чиқди. Бугун юртимизда мобиль телефонига эга бўлмаган кишини топиш амримаҳол.

*(Давоми 2-бетда).*

Йиғилиш

## ҚАРОР ИЖРОСИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

**Кечиримлилик халқимизга хос фазилат бўлиб, бу инсон ҳақ-ҳуқуқларига олий қадрият сифатида қаралувчи мамлакатимиз миллий қонунчилигига ҳам сингдирилган. Айниқса, 8 декабрь – Конституциямиз қабул қилинган кун муносабати билан мунтазам амнистия эълон қилинаётгани фикримизнинг яққол тасдиғидир.**





Вилоят маънавият ва маърифат марказида Олий Мажлис Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг йигирма уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида жазодан озод этилаётганларнинг ижтимоий ҳаётга мослашувига оид ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида ташкилий йиғилиш бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган мулоқотда вилоят ички ишлар, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, молия, марказий банк бошқармалари мутасадди вакиллари, барча шаҳар ва туман ҳокимларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарлари, ижтимоий мослашув ва бандликка кўмаклашиш марказлари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Йиғилишни вилоят ҳокими ўринбосари А. Абдуқодиров олиб борди.

Йиғилишда жазони ўташ жойидан қайтганларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш, жумладан, доимий иш билан бандлигини таъминлаш, доимий даромадга эга бўлишига қадар кундалик харажатлари учун бир марталик моддий ёрдам пуллари ажратиш, соғлиғини тиклаш, шунингдек, профилактик ҳисобга олиш ва янги биометрик паспорт билан таъминлаш ишлари атрофлича таҳлил қилинди. Жойларда учраётган айрим муаммо ва камчиликлар қаттиқ танқид қилиниб, уларни зудлик билан бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.**

Амалий семинар

**Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида жойларда барча шаҳар ва туман вакиллари иштирокида ҳудудий амалий семинарлар ташкил этди.**

## САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК КЕРАК

Республика Президентининг мамлакат Конституцияси 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларни изчил амалга ошириш, ёшларни, айниқса, қизларни доимий иш билан таъминлаш, улар ўртасида эрта турмуш қуришнинг олдини олиш мақсадида ташкил этилган тадбирларда вилоят ҳамда шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталари раислари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорлари, маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбослари, шунингдек, ўқувчиларнинг ота-оналари иштирок этишди.

Семинарларда давлатимиз раҳбарининг Конституциямизнинг 23 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузасидан келиб чиқадиган устувор вазифалар ҳамда ёшлар ўртасида эрта турмуш қуришнинг олдини олишда оила, таълим муассасалари ва жамоатчиликнинг ҳамкорлиги тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, ўқувчи-ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги долзарб масалаларга ҳам тўхталинди.

Ҳар бир тадбир сўнгида намойиш этилган муаммога доир видеолавҳа иштирокчиларни огоҳликка ундади.

Амалий семинарларда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

**Ўз мухбиримиз.**

## ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК

**"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши "Саломатлик ва экология" маркази билан ҳамкорликда вилоятимиздаги умумий ўрта таълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларидаги "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилот етакчилари учун ўқув семинарлари ташкил этди.**

Бошланғич ташкилот етакчиларига "Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!" акцияси 6 йўналишда тарғибот-ташвиқот ишларини қай йўсинда амалга ошириш ҳақида тушунчалар бериш мақсадида ташкил этилган ўқув семинарлари Бўстонлиқ, Қибрай, Зангиота, Паркент, Юқори Чирчиқ, Бўка, Ўрта Чирчиқ туманлари ва Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтди. Унда етакчилар ҳамда кўнгилли тарғиботчи ёшлар иштирок этишди.

**Маҳлиё ИСРОИЛОВА.**

Ифтихор

## ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ ИСПАНИЯДА НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА

**Мамлакатимиз туризм салоҳияти Испания пойтахти Мадрид шаҳрида очилган "FITUR – 2016" халқаро сайёҳлик кўргазмасида намойиш этилмоқда.**

Сайёҳлик оламининг энг йирик ва нуфузли халқаро анжуманларидан бири бўлган мазкур кўргазмада қарийб 170 мамлакатдан ўн мингга яқин сайёҳлик компания ва агентликлари, юзлаб соҳа мутахассислари ва экспертлар иштирок этмоқда. Ҳар йили ушбу кўргазма билан танишиш учун 120 мингдан зиёд одам ташриф буюради.

Ўзбекистон мазкур халқаро сайёҳлик ярмаркасида бир неча йилдан буён фаол қатнашиб келмоқда. 2015 йилги ярмаркада мамлакатимиз миллий стенди "Энг яхши стенд" мақомига сазовор бўлган эди.

Бу сафар ҳам она Ватанимизнинг фусункор табиати, бетакрор тарихий обидалари акс эттирилган, ёрқин ва ранг-баранг миллий матоларимиз билан безатилган Ўзбекистон миллий стенди ўзига хослиги билан кўргазма иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Мутахассислар стенднинг юксак дид билан тайёрланганини алоҳида таъкидламоқда.

*(Давоми 2-бетда).*

## ҚОНУНЛАР ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШАЯПТИ

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси 2015 йил 27 ноябрда қабул қилган, Сенат томонидан 2015 йил 4 декабрда маъқулланган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги матбуотда эълон қилинган Қонунга кўра, 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 5, 10, 11, 21, 23, 24, 28-моддаларига ўзгартиришлар киритилди. Унда сайловолди ташвиқотини олиб бориш турлари, шакллари ва усуллари, сайловолди ташвиқотини оммавий ахборот воситалари орқали босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини чиқариш, тарқатиш ҳамда сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали олиб бориш ва овоз бериш тартиби белгилаб берилган.**

1993 йил 6 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги Қонуннинг 4, 5, 8, 9-моддаларида парламент сўровига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзосининг сўровига жавоб масалаларига аниқлик киритилган. 1993 йил 7 майда қабул қилинган "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги Қонуннинг 10-моддаси иккинчи қисмига қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилди; "валюта биржаси фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини олиш учун лицензиялаш тартибини белгилайди". 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддаси олтинчи қисми "бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчиларга мандатлар Марказий сайлов комиссияси томонидан берилади" дейилган. 65-модданинг биринчи қисми "ушбу Қонунни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади", таҳририда баён этилган.

*(Давоми 2-бетда).*

Вилоятни яёв кезганда

## СУВНИНГ УВОЛИДАН ҚЎРҚМАЙСИЗМИ?

**Хизмат сафари билан Оҳангарон тумани Қорахитой қишлоғи "Ўзбекистон", "Ёнариқ" маҳаллаларини айланар эканмиз, "Тут" маҳалласидаги ажиб бир ҳолат эътиборимизни тортди. Маҳалла идораси жойлашган Чоштепа кўчасида водопроводдан сув шарқираб оқиб ётибди. Йўл-йўлакай яна 2 та шундай манзаранинг гувоҳи бўлдик.**



Бугун дунёнинг қатор мамлакатларида ичимлик суви танқислиги долзарб муаммога айланиб бормоқда. Шундай экан, юртимизда табиат инъом этган неъматлардан оқилона фойдаланиш, уларни кейинги авлодларга етказиш инсоний бурчимиз эмасми? Зеро, ота-боболаримизнинг "Кимки ҳар неъматни тежаса бисёр, қут-барака доим унга ёр" деган ҳикмати бор. Бироқ буни "Тут" маҳалласидагилар унутишган кўринади.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Нуриддин Оллобердиевнинг таъкидлашича, маҳаллада 532 хонадонда 2642 аҳоли истиқомат қилади. Демак, шунча аҳолининг ичимлик сувига эҳтиёжи бор. Сой, Хўжа, Чоштепа, Гулзор, Қўрғонча кўчаларида истиқомат қилаётган аҳолининг шу пайтгача ичимлик сувидан норозилиги бўлмаган. Фақат Оқтепа-1 ва Оқтепа-2 кўчаларидаги хонадонларга ичимлик суви кириб бормаган. Шу боис, маҳалла аҳолисининг бир қисми ичимлик сувидан қийналишаркан. Раис маҳалланинг шарт-шароитлари билан таништирар экан, бу муаммо ҳам тез орада ҳал қилиниши ва сув етиб бормаган кўчалар бу йилги дастурга киритилганини айтди. Бизни ўйлантирган қизиқ ҳолат шу бўлдики, қуйи кўчада шунча сув беҳуда оқиб, увол бўлаётгани ҳеч кимнинг парвойига келгани йўқ. Юқори кўчадаги хонадон соҳиблари эса сувни ташиб ичишаяпти.

Сув бўйида хаёлчан турган бир онахонни саволга тутдик:

– Сиз ҳам шу сувдан ташиб ичасизми?

– Асли шу маҳаллаликман, – деди ўзини Бувисалима Исмоилова деб таништирган онахон. – Бу сув юқоридаги заводдан ("Оҳангаронцемент" масъулияти чекланган жамияти назарда тутилаяпти) келади. Ҳовлимиздаги водопроводга ҳисобдон ўрнатганмиз. Кундалик эҳтиёжимизга яраша ишлатган сувнинг пулини ўз вақтида тўлаб борамиз. Исрофгарчиликдан қўрқамиз.

Қайтишимизда яна бир отахонни учратиб, юқоридаги савол билан мурожаат қилдик. Ўзини Йўлдош Тангрибердиев деб таништирган 72 ёшли отахон:

– Маҳалла кўчасидаги бу водопроводлар доим шундай очиқ туради, – деди. – Бошида жўмрак қўйиб кўришди. Сув оладиганлар кўплиги боис 2-3 кунда бузилгандан сўнг, муттасил сув оқадиган бўлиб қолди.

Энди 25-30 сонияда 20 литрли челак тўладиган бўлса, бир дақиқада 40 литр, 10 дақиқада 400 литр, хуллас бу рақамларни соатларга кўпайтирса, бир кеча-кундузда қанча сув исроф бўлишини тасаввур қилаверинг.

**Бектош ИСМОИЛОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Мансур НАХАЛОВ олган сурат.**

Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?!

# БЕМИННАТ ДАСТЁР

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аҳолининг ахборот-коммуникация технологиялари хизматларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 27 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Ахборот ресурслари, тизимлари ва тармоқлари кундан-кун тараққий этаётир.

Мазкур қарорга асосан тасдиқланган 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури қабул қилинди. Ушбу дастур доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар 2014 йилда мамлакатимизда барча автомат телефон станцияларини рақамли тизимга ўтказишни якунлаш учун замин яратди. Бу халқаро ахборот тармоқларидан фойдаланиш тезлигини сезиларли даражада ошириш имконини берди.

Ҳозирги кунда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган хизматларнинг интерактив шаклга ўтаётгани, улардан мобиль алоқа воситалари орқали фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги интернет хизматларини кўрсатиш сифатини янада оширишни тақозо қилмоқда.

Мамлакатимизда "Мобиль алоқа тармоқларини, шунингдек, 3G ва 4G LTE технологияларини ҳамда мобиль алоқанинг бошқа операторларини ривожлантириш" лойиҳаси доирасида 2013-2020 йилларда база станциялари сонини 6 мингтагача етказиш мақсад қилинган. Бу мобиль алоқанинг янги хизматлари қамровини янада ошириш имкониятини беради.

Бугун мобиль алоқа операторлари томонидан тўртинчи авлод тармоғи – 4G (LTE) жорий қилинмоқда. Бу аҳолининг телекоммуникация хизматларидан самарали фойдаланиши, мобиль алоқа абонентлари сонининг ошиши, интернетдан фойдаланиш қамровининг кенгайишини таъминламоқда.

Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида буни алоҳида таъкидлаб, бугун юртимизда ҳар 100 оилага 234 мобиль телефон тўғри келаётганини ёки бу соҳадаги ўсиш 1,6 баробарни ташкил этаётганини қайд этди. Бу мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари хизматларининг юқори суръатларда ривожланаётганидан далолатдир.

Яқинда пойтахтимиздаги "Малика" савдо мажмуасига тушдим. Турли моделли, шакл жиҳатдан бир-бирига ўхшамаган телефонларнинг кўплигидан ақл шошади. Замонавий техника-технология асрида яшаётганимизни ўша ерда яна бир бор ҳис қилдим. Ҳажми кичикроқ китобдек телефонга ҳайрат билан қараб турган онахонга сотувчи йигит:

– Бу аппаратда нафақат гаплашиш, балки ундан компьютер каби фойдаланиш мумкин. Интернетга кириш, тасвирга олиш, суратга тушириш, мусиқа эшитиш мумкин, – дейди.

– Менга сал кичик, ихчамроғи керак, болам, – деди онахон.

– Унда мана буни олинг, – дейди сотувчи йигит "Артель" моделли телефонни кўрсатиб. – Ҳеч қайси телефондан кам жойи йўқ. Сифати ҳам аъло. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилгани учун нархи ҳам арзон.

Сотувчи йигитнинг "Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган", деган сўзлари ёқди. Кўпчилик ҳозир бу сўзларни оддий гапдек қабул қилади. Бир замонлар кундалик турмушимизда керак бўладиган барча ашёлар, ҳатто гугурт ҳам четдан олиб келинганини ўйлаб кўрмайди. Бугун автомашина ҳам, телевизор, кийим-кечак, мобиль алоқа воситалари ҳам мамлакатимизда ишлаб чиқарилмоқда. Бу Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросига фахр-ифтихор бағишлайди.

Қодир аканинг "Телефон ярмимизга айланиб қолди. Уни беминнат дастёр десак ҳам бўлади. Ташлаб йўлга чиқсам, худди ярмим уйда қолгандек туюлади", деган сўзларини эслайман. Ҳа, бугун замонавий мобиль телефон кунда ишлатиладиган асосий воситага айланди. У орқали яқинларимиз билан истаган вақт суҳбатлашиб, хабарлашиб турамиз. Бу кўнглимизни хотиржам, ўртамиздаги меҳр-оқибатни зиёда қилмоқда.

**Даврон СУННАТОВ,**
**ЎзА мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ифтихор

# ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ ИСПАНИЯДА НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА

"FITUR – 2016" халқаро сайёҳлик кўргазмасида "Ўзбектуризм" миллий компанияси, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти ҳамда мамлакатимизнинг "Orient Voyages", "Elmundo Tour", "Ulysse Tour", "C.A.T.I.A", "Olimpic Tour Service", "Central Asia Travel" каби қатор сайёҳлик фирма ва компаниялари вакиллари ўз хизматлари билан иштирок этаётир.

Кўргазмада Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз ва Хива каби қадимий ва навқирон шаҳарларимиздаги тарихий ёдгорликлар, сайёҳлар учун яратилган имкониятлар ҳақида маълумот берилмоқда. Ранг-баранг альбомлар, буклет ва брошюралар анжуман иштирокчилари эътиборига ҳавола этилмоқда. Кўргазма меҳмонлари, айниқса, ўзбек миллий таомлари ва лаззатли ширинликлари хуш таъмини юксак баҳоламоқда.

"FITUR – 2016" халқаро сайёҳлик кўргазмаси мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини жаҳонда янада кенг тарғиб этиш, бу йўналишда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, жаҳон сайёҳлик бозоридаги янгиликлар ва ўзгаришлар билан танишиш, юртимизга келаётган хорижий сайёҳлар оқимини янада кўпайтиришга хизмат қилади.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# ҚОНУНЛАР ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШАЯПТИ

1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят Кодекси 229-3-модда билан тўлдирилди. Яъни, шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ биноларни, иншоотларни ёки бошқа объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашга тақиқлар (чекловлар) белгиланган зоналарда ушбу ишларни бажариш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса –

энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорида жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади". 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси" 345-моддаси бешинчи қисмидаги 229-2 рақами 229-3 рақами билан алмаштирилди.

Бундан ташқари, "Маъмурий Жавобгарлик тўғрисида"ги кодекс 56-1-модда билан тўлдирилди. Яъни, иш жойларида, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, ёнғин чиқиш хавфи бўлган жойларда, шу жумладан, автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчаларида ва бошқа жамоат жойларида тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш, бундан тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш учун махсус ажратилган жойлар ва (ёки) хоналар мустасно, –

энг кам иш ҳақининг учдан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. Бундан ташқари, тамаки маҳсулотларини транспортда белгиланмаган жойларда истеъмол қилиш, 187-модда, жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш каби моддаларига ҳам тегишлича ўзгартишлар киритилди.

1995 йил 21 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Қонунига, 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, 1996 йил 30 августда қабул қилинган "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонунига, 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги Қонунига ўзгартиришлар киритилган. Унга кўра, "ахборот олишга доир сўров оғзаки, ёзма шаклда, шу жумладан, ахборот тизими орқали электрон шаклда ифодаланиши мумкин" деган янги жумла билан бойитилди.

Бундан ташқари, "Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида", "Давлат божхона хизмати тўғрисида", "Давлат солиқ хизмати тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси"га, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида", "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида", "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида", "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида", "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида", "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги қонунларга, шунингдек, 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги Конституциявий Қонунга, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги Конституциявий Қонунга, "Давлат статистика тўғрисида"ги Қонунга, 2003 йил 29 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги Қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

2-моддага кўра, Сенат фаолиятининг асосий принциплари – бу умумдавлат ва минтақавий манфаатларни уйғунлаштириш, масалаларни эркин муҳокама қилиш ва жамоа бўлиб ҳал этиш, очиқлик ва ошкоралик, жамоатчилик фикрини ҳисобга олишдир.

7-1-модда Сенатнинг қўмиталарида эксперт гуруҳларини тузиш, 27, 28, 31-моддалар таҳрир қилинган, 31-1-модда Сенатор сўрови, 32-модда, унга қўшимча 32-1-, 32-2, 32-3, 32-4-прим моддалар билан тўлдирилди. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг, Марказий банки раисининг, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (Омбудсманнинг), Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботларини эшитиш масалалари белгилаб берилган. Сенат қўмиталари томонидан назорат ваколатларининг амалга оширилиши қонун билан мустаҳкамлаб қўйилди.

Бир сўз билан айтганда, қонунчиликка киритилган бу ўзгаришлар мамлакатимизнинг демократик-ҳуқуқий ривожланишида муҳим ўрин тутади.

**Дилшод ИСМОИЛОВ,**
**вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия маслаҳатчиси.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Семинар

**Юқори Чирчиқ туманида вилоят босма оммавий ахборот воситалари фаолиятига бағишланган анъанавий семинар бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги матбуот ва ахборот бошқармаси, республика Журналистлари ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этган анжуманда вилоят ҳамда туман ва шаҳар газеталари муҳаррирлари, ижодий ва техник ходимлари, ноширлик ва матбаачилик корхоналари мутасаддилари, шунингдек, мезбон туман фаоллари иштирок этишди.**

# МУТОЛАА ФИКРНИ ТИНИҚЛАШТИРАДИ




Вилоятда 63 номда босма ахборот нашрлари мунтазам чоп этилмоқда. Уларнинг 23 таси шаҳар ва туман ҳокимликлари муассислигидаги газеталардир. Кейинги пайтларда газеталарнинг ададидан тортиб, нашр сифати ва мазмун-мундарижасигача сезиларли даражада юксалиб бораяпти. Таҳририятларда меҳнат қилаётган журналист ва техник ходимларнинг профессионал маҳоратини ошириш, уларга замонавий шарт-шароит, қулай ижодий муҳит яратиб бериш, ёш, ташаббускор кадрларни жалб этиш кўлами анча кенгайди.

Семинарда сўзга чиққанлар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида соҳа ривожига қаратилаётган эътибор, қабул қилинаётган қонунлар ва уларнинг моҳияти, журналистлар касб маҳоратини ошириш, тизимда устоз ва шогирдлик анъаналаридан кенг фойдаланиш, таҳририятлар фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг ҳуқуқий тамойиллари хусусида фикр юритдилар.

Анъанага мувофиқ, семинар дастури доирасида мазкур туманда чоп этилаётган "Юқори Чирчиқ ҳаёти" газетаси ижодий жамоасининг 2015 йилдаги фаолияти атрофлича таҳлил қилинди. Кейинги йилларда газетанинг нашр сифати, дизайни яхшиланиб, ўқувчилари кўпайиб бораётгани, таҳририят жамоасига ташаббускор ёшлар кириб келаётгани эътироф этилган ҳолда, нашр мазмун-мундарижасини янада яхшилаш, хусусан, мавзу ва жанрлар хилма-хиллигига эришиш, рукн ва сарлавҳалар, суратлар устида ишлаш хусусида таклиф ва тавсиялар ўртага ташланди.

**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**

Мутахассис шарҳи

# МУҚАДДАС ҚЎРҒОН

**Президентимиз: "...Бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди" деганларидек, оила муқаддас даргоҳ. Унинг қўрғони мустаҳкам бўлиши учун, устуни дарс кетмаслиги керак. Мамлакатимизда никоҳ ва оила муносабатлари қонун билан тартибга солинган. Буни Бош қомусимизнинг 14-боби "Оила"га бағишлангани, шунингдек, унда "Оила жамиятнинг асосий бўғинидир" дея эътироф этилганида ҳам кўриш мумкин.**

Никоҳ эркак ва аёл ўртасида қайд этилиб, ФҲДЁ органларида рўйхатдан ўтказилади. Диний расм-русумларга асосланган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмасдир.

Никоҳ ёши эркаклар учун 18, аёллар учун 17 ёш белгиланган. Чет давлатларда никоҳ ва оила муносабатлари бироз бошқачароқ.

Масалан, Францияда оила қуриш Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади. Эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 15 ёш никоҳ ёши этиб белгиланган. Аммо, белгиланган ёшгача никоҳ қуриш учун прокурорнинг рухсати ва ота-онанинг розилиги бўлиши керак. Никоҳга ҳар хил миллатга мансуб шахслар кириши мумкин. Фуқаролик ҳолатини қайд этиш ходими никоҳ маросимини ҳокимият биносида белгиланган вақтда ўтказади. Никоҳдан ўтиш учун бир нечта ҳужжатлар тақдим этилади.

Италияда никоҳга кириш учун никоҳланувчилар ариза беришидан ота-оналар хабардор бўлиши ва гувоҳ сифатида иштирок этиши сўралади. Ариза қабул қилингандан сўнг муниципал органнинг вакили бўлажак эр-хотинни унаштиради. Сўнг 8 кундан кам бўлмаган муддатга никоҳланувчиларнинг никоҳи қаерда ўтиши ва фамилиялар ҳақида эълон осилади. Унаштирилгандан сўнг 180 кун ичида никоҳ қайд этилиши мумкин. Акс ҳолда ушбу ҳолат янгитдан такрорланади. Агар бир томон 18 ёшга кирмаган бўлса, вояга етмаганлар бўйича суд қарорлари сўралади.

**Умид ЖАЛИЛОВ,**
**нотариус.**

Эҳтиёт шарт!

# ГАЗ БАЛЛОНИ БАЛО БЎЛМАСИН!

**Турмушимизда нефть, газ каби неъматлар беминнат дастёрга айланган. Ҳозирги кунда аҳоли эҳтиёжи учун табиий газнинг ўрни муҳимдир. Аммо баъзи кишилар газ истеъмолида оқилона иш тутмайдилар, фойдаланиш қоидаларига риоя қилмайдилар. Бу эса турли нохуш ҳолатлар, жумладан, ёнғиннинг келиб чиқишига сабаб бўлади.**

Жойларда, газ тармоқлари ҳали бормаган, муваффақ қурилган иншоотларда суюлтирилган газ баллонларидан фойдаланилади. Иситишда, таом тайёрлашда қулайлик яратадиган ушбу воситалардан фойдаланиш тартиблари бор. Хусусан, суюлтирилган газ қурилмаси газ плитасидан камида 0,5 метр, иситиш радиаторидан 1 метр узоқ масофада жойлашган бўлиши лозим. Шунингдек, бундай қурилмаларни печь эшиклари қаршисига қўйиш мумкин эмас.

Яна бир эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳат шуки, ёқилган қурилмани қаровсиз қолдириш, уларга ёш болалар, қурилмадан фойдаланишда тажрибаси бўлмаган кишиларни яқинлаштирмаган маъқул. Агарда атрофда газ ҳиди бўлиб, бирон жойдан газ чиқаётганини аниқлаш керак бўлса, бунда очиқ оловдан фойдаланиш хавфли эканлигини унутмаслик лозим. Бундай ҳолатларда совун кўпигидан фойдаланиш афзалроқ. Умуман олганда, суюлтирилган газ қурилмаларидан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш, эътиборли бўлиш истеъмолчининг энг муҳим вазифасидир.

**У. КЕЛДИЁРОВ,**
**Сергели тумани ЁХБ инспектори.**

ЭЪЛОН

## Диққат! Диққат! Диққат!

## Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

**Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилояти худудий бошқармаси Инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар қабул қилиниши шарти билан "ноль" харид қийматида сотиладиган давлат активлари бўйича очиқ танлов савдоларига таклиф этади.**

Танлов савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:

| № | № | Объектнинг номи | Объектнинг жойлашган манзили | Балансда сақловчи | Балансда сақловчининг фаолият ихтисоси | Объектнинг тавсифи | Инвестиция мажбуриятларининг энг кам миқдори (млн. сўм) | Объект негизида ташкил этиладиган фаолият йўналиши | Инвестиция киритиш муддати | Янги ташкил қилинадиган энг кам ишчи ўринлар сони |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги ПҚ-2340-сонли қарорининг 3-иловасига асосан "нол" харид қийматида хусусийлаштирилиши белгиланган объектлар | | | | | | | | | | |
| 1 | 1 | "Ангрен" ширкат хўжалигининг бўш турган 3-сонли омборхонаси | Оҳангарон тумани, "Увак" МФЙ, | Оҳангарон туман ҳокимлиги | Маъмурий бошқарув | Бетон-плитадан қурилган | 500,0 | - | 2 йил | 30 |
| 2 | 2 | Тиббиёт коллежининг фойдаланилмаётган биноси | Бекобод шаҳри, Саломатлик кўчаси, 18-уй | Бекобод шаҳар ҳокимлиги | Маъмурий бошқарув | Пишган ғишт ва бетон-плитадан қурилган | 2000,0 | - | 2 йил | 60 |
| 3 | 3 | Фойдаланилмаётган бино (эски дўкон биноси) | Бекобод тумани, "Чаноқ" ҚФЙ, "Қорақўйли" МФЙ | Бекобод тумани маданият ва спорт ишлари бўлими | Маъмурий бошқарув | Пишган ғиштдан қурилган | 1000,0 | - | 2 йил | 20 |
| 4 | 4 | "А.Навоий" номли маданият марказининг 3-сонли пункти | Ангрен шаҳар, "Нуробод" ҚФЙ | Ангрен шаҳар Маданият ва спорт ишлари бўлими | Маъмурий бошқарув | Бетон-плитадан қурилган | 1200,0 | - | 2 йил | 50 |

Инвестиция киритиш мобайнида яратилган ишчи ўринлари, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш йўлга қўйилгандан сўнг кейинги 1 йил давомида сақланади.

Танловда ғолиб деб топилган талабгор шартнома имзолангандан кейин 30 кун муддат ичида танлов объектини мустақил баҳоловчи ташкилот томонидан баҳолатади, бунда баҳолашга кетадиган сарф-харажатлар танлов ғолиби томонидан қопланади.

Инвестиция киритиш шарти билан "ноль" харид қийматида хусусийлаштиришда инвестор томонидан инвестиция киритиш муддати тугаб, ишлаб чиқариш йўлга қўйилгандан сўнг, хусусийлаштирилган объектининг 60 фоиздан кам бўлмаган ҳудуди (бино ва иншоотлар) ишга туширилган ва ишлаб чиқариш билан банд бўлган бўлиши лозим.

Танлов савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзолангган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Танловда қатнашиш учун муҳрлаб қўйилган таклифлар олиш 2016 йил 19 февраль 18.00 да ҳамда танлов бўлиб ўтмаганда оммавий ахборот воситаларида олдиндан эълон қилинган санасидан камида икки иш куни олдин тўхтатилади.

Талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертлари 2016 йил 24 февраль куни, соат 09.00 да Тошкент вилояти ҳокимлиги биносининг 4-қаватидаги конференция залида очилади.

Танлов савдоси ушбу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2016 йил 2 март кунлари ва ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари, соат 09.00 да бўлиб ўтади.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотларни олиш мумкин бўлган манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 107-уй манзилида жойлашган Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси.

Танловда қатнашиш учун талабгор ёки унинг ваколатли вакили шахсан ёхуд почта орқали ҳудудий танлов комиссиясининг ишчи органига танлов тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатда танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда икки нусхада буюртманома тақдим этади:

танловда қатнашиш истаги билдирилган ариза;

нодавлат юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, таъсис ҳужжатларининг нусхаси ҳамда ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхасини илова қилган ҳолда;

жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашганда шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхасини илова қилган ҳолда;

икки нусхадаги муҳрланган конвертга солинган танлов ҳужжатларига мувофиқ тузилган танлов таклифи, унда қуйидагилар бўлиши керак:

бизнес-режани бажариш, асбоб-ускуналар етказиб бериш (назарда тутилган бўлса) муддатлари, ишлаб чиқариш режалаштирилаётган маҳсулот турлари ёхуд кўрсатиладиган хизматлар рўйхати ва уларнинг рақобатбардошлилиги, хом ашё, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, мавжуд асбоб-ускуналардан ва ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш тадбирлари, кутилаётган иқтисодий самара кўрсатилган бизнес-режа, шу жумладан инвестиция киритиш режаси;

инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларнинг тури, муддати ва уларни бажариш, шу жумладан давлат мулки объектини молиявий-иқтисодий соғломлаштириш ёки унинг ҳудудидан хўжалик жиҳатидан фойдаланиш шартлари;

талабгорнинг молиявий жиҳатдан тўловга қодирлигини ва (ёки) тегишли тармоқда илгари амалга оширилган инвестиция лойиҳаларини тасдиқловчи ҳужжатлар.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Мурожаат учун манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 107-уй. Маълумот учун телефонлар: (0-371) 268-23-21, 268-29-77.

Факс: (0-371) 268-29-44. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.gki.uz, www.gkitorg.uz, www.tashvil.gov.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 ёки Тошкент вилояти рақобат бошқармасининг (0-371) 267-74-64 рақамли Ишонч телефонларига, шунингдек, Тошкент вилояти ҳокимлигининг (0-371) 232-80-25 телефон рақамларига зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

Савдоларга марҳамат қилинг!

Шунингдек, Тошкент вилояти ҳудудий танлов комиссияси томонидан, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Фахрийлар кўчаси, 25-уйда жойлашган "Архитектура бошқармасининг фойдаланилмаётган биноси" бўйича "ENERGO-SCHYOT" МЧЖга – 2 йил (24 ой) муддат ичида объектда "аёллар соғломлаштириш маркази, тикувчилик цехи хамда аёлларга замонавий маиший хизмат кўрсатишни ташкил этиш" учун 1120,0 млн. сўм миқдорида инвестиция мажбуриятларини бажариш ҳамда 100 та янги иш ўринларини яратиш;

Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Фурқат кўчаси, 10-уйда жойлашган "Олмалиқ шаҳар тиббиёт бирлашмасининг эски кир ювиш биноси" бўйича ЯТТ "XUDOYKULOV BEKZOD NURMUXAMMED O'G'LI"га – 2 йил (24 ой) муддат ичида объектда "алюминий (пластик) профилдан эшик дераза ва мебел маҳсулотларини ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш" учун 205,0 млн.сўм миқдорида инвестиция мажбуриятларини бажариш ҳамда 12 та янги иш ўринларини яратиш;

Тошкент вилояти, Бўка тумани, "Ровот" ҚФЙ, "Ўратепа" маҳалласида жойлашган "бўш турган маҳалла биноси" буйича фуқаро Соатов Абдуқодирга – 1 йил (12 ой) муддат ичида объектда "маиший хизмат кўрсатиш фаолиятини (сартарошхона, савдо дўкони ва пайнет) ташкил этиш" учун 27,0 млн. сўм миқдорида инвестиция мажбуриятларини бажариш ҳамда 5 та янги иш ўринларини яратиш;

Тошкент вилояти, Чиноз тумани, "Янгиобод" ҚФЙ ҳудудида жойлашган "Янгиобод идора биноси" буйича фуқаро Ўуломов Достонбек Рустамбековичга – 2 йил (24 ой) муддат ичида объектда "маиший хизмат кўрсатиш фаолияти (савдо дўкони, сартарошхона, ателье)ни ташкил этиш" учун 105,0 млн.сўм миқдорида инвестиция мажбуриятларини бажариш ҳамда 15 та янги иш ўринларини яратиш;

Тошкент вилояти, Пискент тумани, "Ойбек" маҳалласи ҳудудида жойлашган "Тугатилган ПМК-3нинг фойдаланилмаётган биноси" буйича фуқаро Оллаберганов Шахриёр Бахтиёровичга – 1,5 йил (18 ой) муддат ичида объектда "қурилиш материаллари (пескаблок, брусчатка) ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш" учун 350,0 млн.сўм миқдорида инвестиция мажбуриятларини бажариш ҳамда 20 та янги иш ўринларини яратиш;

Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, 14-даҳа ҳудудида жойлашган "Қурилиши тугалланмаган 2-қаватли болалар боғчаси бино ва иншоотлари биноси" буйича "ZUKKO HAMKOR ISHONCH" МЧЖга – 2 йил (24 ой) муддат ичида объектда "маиший хизмат кўрсатиш фаолиятини (хусусий боғча, савдо дўкони) ташкил этиш" учун 450,0 млн.сўм миқдорида инвестиция мажбуриятларини бажариш ҳамда 35 та янги иш ўринларини яратиш;

Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, 3-кичик даҳа ҳудудида жойлашган "Собиқ 14-сон болалар боғчаси бино ва иншоотлари" бўйича "XUMSON SUT" МЧЖга – 20 ой муддат ичида объектда "турар жой ташкил қилиш" учун 225,0 млн. сўм миқдорида инвестиция мажбуриятларини бажариш;

Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, 8-кичик даҳа ҳудудида жойлашган "Собиқ 24-сон болалар боғчаси бино ва иншоотлари" бўйича "XUMSON SUT" МЧЖга – 15 ой муддат ичида объектда "турар жой ташкил қилиш" учун 275,0 млн. сўм миқдорида инвестиция мажбуриятларини бажариш шартлари билан сотилганлигини маълум қиламиз.

Спорт

# ДАВЛАТ АБРАЕВ – ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ КУРАШЧИСИ

**Кураш халқаро ассоциацияси веб-сайтида 2015 йил якунларига кўра турли номинациялар бўйича йилнинг энг яхшилари эълон қилинди.**




Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортнинг барча турлари қатори кураш ҳам жадал равнақ топаётир. Давлатимиз раҳбарининг 1999 йил 1 февралдаги "Халқаро "Кураш" ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони миллий спортимиз ривожида дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугун бир юз йигирмадан зиёд мамлакатда Кураш федерациялари фаолият юритмоқда. Кураш халқаро ассоциацияси ҳамда унга аъзо Осиё, Европа, Панамерика, Африка ва Океания кураш конфедерациялари томонидан мазкур спорт тури бўйича жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро турнирлар юқори савияда ташкил этилаётир.

2015 йил ҳам кураш бўйича ёрқин воқеаларга бой бўлди.

Туркманистоннинг Ашхобод шаҳрида ўтказилган Осиё олимпия кенгашининг Бош ассамблеясида кураш 2018 йили Индонезияда ташкил этиладиган XVIII ёзги Осиё ўйинлари дастурига расман киритилгани Кураш халқаро ассоциацияси томонидан "Йилнинг энг яхши воқеаси" деб топилди. Энди кураш бир йўла учта нуфузли мусобақа – 2016 йили Вьетнамда ўтказиладиган Осиё соҳил ўйинлари, 2017 йили Туркманистонда бўладиган ёпиқ иншоотларда ва жанговар яккакурашлар бўйича Осиё ўйинлари ҳамда 2018 йилги ёзги Осиё ўйинлари дастуридан жой олди.

Эронда ўтказилган кураш бўйича X жаҳон чемпионати "Энг яхши чемпионат" деб топилди. Мазкур нуфузли мусобақада элликдан зиёд мамлакатдан икки юздан ортиқ полвон ғолиблик учун беллашди. Чемпионатда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган полвонларимиз 5 олтин, 4 кумуш ва 2 бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Мусобақада вазни 73 килограммгача бўлган полвонлар беллашувида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган Давлат Абраев "Йилнинг энг яхши курашчиси", чемпионатга полвонларни пухта тайёрлаган терма жамоамиз бош мураббийи Мурод Дўсимбетов "Йилнинг энг яхши мураббийи" бўлди.

Жанубий Африка Республикасидан Галакси Экшон "Йилнинг энг яхши аёл курашчиси", вьетнамлик Хок Туан Нгайен "Йилнинг энг яхши ҳакамиʺ, Ҳиндистон кураш ассоциацияси "Энг яхши миллий федерация", Европа кураш конфедерацияси "Энг яхши қитъа федерацияси", Доминикан Республикасида ўтказилган Кураш ойлиги "Энг яхши ташаббус", деб топилган.

**Б. АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

---

**Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида шахмат бўйича давом этаётган "Chennai Open International Grandmaster Chess Tournament – 2016" турнирида халқаро гроссмейстеримиз Марат Жумаев навбатдаги ғалабасини нишонлади.**

# ҲАМЮРТИМИЗ ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА



Икки юздан ортиқ шахматчи иштирокида ўтаётган мусобақанинг тўрт тури натижасига кўра, тажрибали шахматчимиз жами 3,5 очко билан пешқадамлар сафида бормоқда.

Марат тўртинчи турда ҳиндистонлик Шет Жайкумар Саммед устидан ғалаба қозонди. У аввалги турларда ҳиндистонлик шахматчилар Датта Ражарши, Жей Сараняни мағлубиятга учратиб, Аржун Эригаиси билан дуранг ўйнаган эди.

Бешинчи турда гроссмейстеримиз россиялик Борис Грачевга қарши дона суради.

**ЎзА.**

---

# XXI аср ва дунё

## СОФИ ЛОРЕН... РЕКЛАМАЧИ

**Италиялик машҳур актриса Софи Лорен модалар уйидан бирининг реклама компаниясида иштирок этиб, янги атир турини видеоролик орқали реклама қилди.**



Ғайриодатий роликка италиялик кинематограф, "Оскар" мукофоти соҳиби Жузеппе Торнаторе режиссёрлик қилди. Мусиқасини эса таниқли бастакор Эннио Морриконе яратди.

Ушбу модалар уйи кийим-кечак, аксессуар, атторлик ва пардоз-андоз буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашмоқда. Компаниянинг машҳур мухлислари оз эмас. Жумладан, Мадонна, Стинг, Моника Беллуччи, Наоми Кемпбелл ҳам ушбу модалар уйининг мижозларидан.

2015 йил сентябрда модалар уйи 81 ёшли Софи Лорен шарафига махсус лаб бўёқлар ишлаб чиқарди. Шуниси диққатга сазоворки, бу жараёнда актрисанинг ўзи шахсан иштирок этди. Янги маҳсулотнинг ғилофи олтин рангда бўлиб, унга Софи Лореннинг имзоси туширилган.

## ЭР-ХОТИН УЧ ОЙ ПУЛ ЯМАШДИ

**Хитойлик эр-хотин 140 минг юан (21 минг доллар) пулни ямаш ва банкка топшириш учун уч ой вақт сарфлашди.**



Маълум қилинишича, эркакнинг 85 ёшли отаси 2015 йил октябрда руҳий касали хуруж қилган пайтда пулларни кесиб ташлаган экан. Сотилган уйнинг пулини қари чол ўзида сақлаётган эди. Йил охирига келиб, ўғлига 200 минг юаннинг 140 мингини кесиб ташлаганини айтди ва ўғли билан келинини ушбу пулларни тортиб олишга ҳаракат қилганликда айблади.

Хуллас, эр-хотин уч ой давомида ҳар куни 17 соатдан вақт сарфлаб, кесилган 1080 банкнотнинг, яъни 100 минг юанни ямаб, банкка топширишди ва ўрнига бутун пул олишди.

## АФСОНАВИЙ ТОШБАҚАНИНГ ЎЛИМИ

**Вьетнам нашрларидан бири тарқатган хабарда айтилишича, Ханойдаги Хоан Кием кўлида яшаётган дунёдаги энг "қари" тошбақа 19 январь куни вафот этди.**



Маҳаллий аҳолининг таъкидлашича, тошбақа 100 йилдан ортиқ умр кўрди. Уни сўнгги марта 2015 йил 21 декабрда кўл суви юзасида кўришганди. Шуниси қизиқки, Вьетнам аҳолиси ушбу тошбақанинг Ле сулоласи ҳақидаги афсона билан боғлиқлиги борлигига ишонади. У ушбу кўлда яшаётган бешта тошбақадан бири эди, дейилади афсонада. Таъкидланишича, қолган тўртта тошбақа Вьетнам ва Хитойда жуфт ҳолда яшамоқда.

Кўл ўзига хос машҳурликка эга. Афсонада айтилишича, Хитой императорига қарши курашга отланган Ле Лой исмли баҳодирга олтин тошбақа Тхуантхен қиличини совға қилган. Шундан сўнг Ле Лой Хитой армиясини тормор этиб, янги дунёга келган Ле сулоласига асос солган.

## МУКОФОТУ ТАЗЙИҚДАН НАФ ЙЎҚ

**Халқаро мутахассислар ассоциациясининг қўллаб-қувватлаши остида бошқарув ҳисоб-китоблари соҳасида янги тажрибалар ўтказилди.**

Илмий ходимлар амалга оширилган янги лойиҳа натижасида инсонларнинг руҳий имкониятлари чекланганлиги сабабли раҳбарлар томонидан уларни моддий рағбатлантириш ҳам, ижтимоий тазйиқ ўтказиш ҳам эркак ва аёлларнинг меҳнат самараларига ҳеч қандай таъсир ўтказмаслигини аниқлашди.

Нидерландиянинг Роттердам университетининг Менежмент мактаби бир гуруҳ илмий ходимлари Словениянинг Люблян университети экспертлари билан ҳамкорликда бир қатор лаборатория ва клиник кузатувлар олиб боришди. Мутахассислар функционал магнит-тебраниш томографияси усулидан фойдаланиб, инсон бош миясининг компьютерда қатор машғулотларни бажариш жараёнидаги фаолиятини таҳлил қилдилар. Натижада пул мукофотлари ва ижтимоий тазйиқлар ишчиларнинг тиришқоқлигини ошириши мумкин-у, бироқ, бу усул меҳнат кўрсаткичларини яхшилашга олиб келмайди, деган узил-кесил хулоса чиқарилди Ушбу лойиҳа якунлари хорижий журналлардан бирида эълон қилинди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

---

Кўргазма

# ДИЛБАР ЎЛКА

**Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида рассом Дилмурод Йўлдошевнинг "Дилбар ўлкам" номли шахсий кўргазмаси очилди.**

Тақдим этилган қирққа яқин турли ранглар уйғунлигида ва рангтасвир йўналишида яратилган ижод намуналарида мамлакатимизнинг гўзал табиати манзаралари, йил фасллари, тарихий шаҳарлардаги меъморий ёдгорликлар, тарихга айланиб бораётган тураржойларнинг эски кўринишлари ўз аксини топган. Улар орасида Тошкент вилояти гўзал табиати акс этган "Тоғда қуёш ботмоқда", "Оқтошда оқшом", "Ғазалкент", "Хондайлиқ қишлоғи", "Ўртасарой", "Ўртасаройдаги ҳовли", "Паркент буғдойлари", "Паркент тепаликлари", "Қибрайдаги ҳовли" каби асарлар, айниқса, мухлислар эътиборини тортади.

Д. Йўлдошев Ўзбекистон Бадиий академиясининг Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси. Республика ва хориждаги кўргазмаларда ижодий ишлари билан қатнашиб келмоқда. У кўпроқ манзара жанрида изланади, табиат манзаралари гўзаллиги, бетакрор жозибасидан нафақат илҳомланади, балки чуқур ҳис қилади ва таассуротлари асосида янгича талқинда, ўзига хос бадиий услубда тасвирга туширишга ҳаракат қилади.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

---

Одамийлик шеваси

# СОҒИНЧ



Алижон ёмон туш кўрди. Ғайритабиий қичқириб, ўз овозидан уйғониб кетди. Нафаси оғзига тиқилиб, юраги қаттиқ урар, пешонасини бодроқдай-бодроқдай тер босганди. Шу аҳволда бироз ўтирди. Зебихоннинг уйқусираган овози уни ўзига келтирди:

– Нима бўлди?

– Ҳеч, ўзим... Туш кўрибман.

Алижон қўшни хонага чиқди. Чироқни ёқди. Кийим жавони ғаладонини очиб, тинчлантирувчи дорини топди. Пиёлага сув қуйиб, дори томизар экан, қўли титради. Ялпиз ҳиди анқиётган сувни симирди. Кўкраги муздек тоғ ҳавосига тўлгандек бўлди. Деразани очиб юборган эди, хонага ёз чилласининг рутубатли ҳавоси ёпирилиб кирди. Ой ёғдусида осмонга қаради. Фалакда Зуҳро пориллаб турарди. "Тонг отишига оз қолибди", дея ўйлади. Шу ўтиришда тушини эслади. "Бари асабдан, – бошини сарак-сарак қилди. – Кейинги пайтда хотин билан можаро кўпайиб кетди".

Бироздан сўнг юраги ором олиб, ўзини анча енгил ҳис қилди. Уйқуси ўчиб, жавондаги китоблардан бирини варақлай бошлади. Болалигидан китоб ўқиш жону дили. Ҳозир ҳам Стефан Цвейгнинг изтиробли ҳикояларига шўнғиди. Шу алфозда тонг отганини сезмай қолди.

Бугун якшанба. Қайин инисининг тўйига бозордан қўй сотиб олиши керак. Бир қулоч арқонни қўлтиғига қисиб, дарвозадан чиқди.

Алижон мол бозорига эрта етиб келди. Қўйлар тўпини оралаб юриб, пулига яраша бир қўчқорни танлади: "Ёмон эмас, дуркунгина, думбаси бор".

Йўлда ўзини ҳар томонга отавериб, ҳолдан тойдирган қўчқорни судрай-судрай, уйига етиб келди-ю, ҳовлига қўйиб юборди. Озодликка чиққан жонивор шаталоқ отиб югура бошлади.

– Вой! – деди юзини юваётган Зебихон чўчиб. Бир ҳовлини ўйиб югураётган қўчқорга, бир эрига совуқ назар ташлади, терс ўгирилиб, уйига кириб кетди.

Алижон қўчқорни бир амаллаб ушлади, этакроқдаги бақувват қандак ўрикка боғлади. Қўлини ювиб, уйга кирди. Зебихон эшикка орқа ўгириб ўтирганича, боласини эмизарди. Эри кирганини билди-ю, қарамади. Хотинининг норози қиёфасини кўрганидаёқ Алижоннинг асаби бузила бошлаганди.

– Нима, ёқмадими?!

– Ёқмади! Бўлмайди! Биттаю битта укамнинг тўйига уялмай, шу скелетни етаклаб борасизми?!

Алижоннинг сабр косаси тўлди. Ҳовлини катта қадамлар билан кесиб ўтиб, дарвозадан пўкакдай отилиб чиқди. Кўча кимсасиз. Таҳририятга бориши кераклигини ўйлади. Яна қаерга ҳам борарди, ўн йиллик қадрдони шу ишхонаси... Ҳамма гап хотинининг қаноатсизлиги, ношукрлигида... "Ташланг, шу ишингизни!", дейди нуқул. "Ташланг" эмиш! Газетани ташласинми?! Иш қанчалик азизлигини Зеби тушунмайди, тушунолмайди!

Хуноб бўлиб хонасига кириб келган Алижон эски газета тахламларидан бирини варақлай бошлади. Илк ёзган хабарларини кўриб, ўсмирлик йилларини хотирлади.

...Алижон ўрта мактабни битираётганида, юраги хасталаниб юрган отаси тўсатдан вафот этди. У икки ука, бир сингил билан мотамга ботган уйнинг катта эркаги бўлиб қолди. Онаси нима қиларини билмасди, уни жудолик букиб қўйди. Маросимларнинг ҳам ўзи бўлмайди, эрининг қирқи ўтгунча, қўрадаги қўй-қўзилар ҳам сотилиб битди.

Ўша кунларнинг бирида Алижон мактабдан қайтса, онаси йиғлаб ўтирибди.

– Ойи, нима гап?

– Нима қилай, болам, рўзғор харажати учун ҳеч вақо қолмади. Даданг баракали эди, ошовқатдан қийналмасдик. Энди бирорта иш топмасам бўлмайди, укаларингга ўзинг қарайсан.

Алижоннинг кўзлари ўкинчдан намланди:

– Йўқ, ойи, белингиз оғрийди, сизга мумкинмас. Мен ишлайман. Чойхоначи амаки билан гаплашдим, менга қараш деяптилар.

Онасининг ранги ўчиб, кўзларида алам учқунлади:

– Асло! Сен ўқишинг керак, мактабнинг олди ўқувчисисан, чойхонада югурдаклик қилсанг, дадангнинг руҳи чирқирайди. Сен ўқийсан, даданг ният қилган.

Ички бир фарёд Алижоннинг бўғзига тиқилди. Ботинидаги нидо ташига отилишидан чўчиб, ташқарига чиққанида, кимдир чақирди. Почтачининг овозига ўхшади. Дарҳақиқат, оқсоқ почтачи чарм сўмкасидан сариқ қоғоз чиқарди, қўл қўйдириб, қўлига пул тутқазди, елкасига қоқиб:

– Барака топ, ўғлим, бўладиган боласан, – деди.– Қара-я, газетадан пул юборишибди! Майли-да, рўзғорларингга ярайди, онангга қувват буям. Мен ҳақимдаям газетага ёзгин, почтачи амаки, деб ёз.

– Хўп бўлади, амаки, ёзаман, – Алижоннинг чеҳраси очилди, кўнгли ширингина энтикиб, уйга кирди.

– Ойи, газетадан хабарларимга пул юборишибди!

Ойиси ўғли узатган пулни оларкан, яна йиғлаб юборди-ю, дарров жилмайди:

– Буни қара-я, ўзинг пул топадиган бўлиб қолибсан-ку!..

Алижон мактабни имтиёзли битириб, университетнинг журналистика факультетига ўқишга кирди. Дарслардан кейин янги очилган фирмада юк ташувчи бўлиб ишлади. Кейинчалик газетага мусаҳҳиҳликка олишди. Ўқишини битириб қайтгач, газетада адабий ходим, бир йил ўтар-ўтмас бўлим мудири бўлди...

Алижон газета тахламини ёпди. Зеби тушунсайди буларни. Шу касбини ташласинми? Унинг дили оғриди. Юраги тез ура бошлади. Чап кўкрагида қаттиқ оғриқ сезилди. Столга бошини қўйиб инграб юборди. Кейин қадам товушлари эшитилди...

Алижон касалхонада кўзини очди. Шифокор аёлни таниб, ажабланди.

– Ўзингизга келдингизми?

– Яхшиман.

– Қўлингизни қимирлатманг, томчилагич уланган. Оғриқ йўқми?

– Йўқ, раҳмат.

– Раҳматни келинга айтасиз. Зебихон бориб қолмаганида... Ахир, якшанба куниям ишлайдими одам. Дам олиш керак, укажон! Хотинингиз шу ерда, боласи билан йўлакда ўтирибди. Олдингизга кираман, деб бирам йиғладики... Энди кирса бўлади. Фақат ҳаяжонланмай, бир-икки оғиз гаплашасиз.

Шифокор чиқиб кетди. Дўмбоқ ўғилчасини кўтарган Зеби кирди. Унинг кўзлари йиғидан қизарганди:

– Мен аҳмоқни кечиринг...

– Таҳририятга борганмидинг?

– Ҳа.

– Нега?

– Ойижон биринчи қалам ҳақини олганингизни айтиб бердилар. Ҳаммасини тушундим, кечиринг, сизсиз яшолмайман...

Қўлидаги бола қиқирлаб кулди.

– Да-да, – деди Алижонга талпиниб.

– Ий-е, Зеби, эшитдингми, гапиряпти.

Зебихон боласини "чўлп" этиб ўпди:

– Биринчи марта "дада" деди, кечадан бери сизни кўрмаган ахир, соғинибди, соғинчдан...

Алижон ҳам узоқ вақт уйида бўлмагандек, хотинини, ўзини отиб кулаётган ўғлини соғинганини ҳис қилди.

**Абдужалол РАҲИМОВ.**

---

Bolalik bog`i

# MUSTAQIL ISh



Gulnora opa mehnat darsida o`quvchilariga:

– Hammangiz uyda rangli qog`ozdan o`zingiz yoqtirgan narsani yasab keling, – dedi.

Bir hafta o`tib o`qituvchining stoli chiroyli, bejirim ishlangan narsalarga to`lib ketdi. Dilbar, Lola, Hilola turfa gullarni, Qobiljon qayiqcha, Sunnat do`ppicha yasab kelishdi.

Faqat Olimjonning gali kelganida negadir u qo`llarini parta ichiga yashirib o`tiraverdi. Gulnora opa uning yoniga kelib, qani, mening bolam bugun uy vazifasini qanday bajardiykin, deb so`ragan edi, Olimjon yig`lab yubordi.

– Uning rangli qog`ozi qolmabdi, ustoz, – dedi qaysidir bijildoq orqadan.

Lekin Olimjon oddiy qog`ozdan ham oppoq qushni qoyillatib yasab kelgan ekan... O`qituvchi unga ham boshqalar qatori "yaxshi" baho qo`ydi.

**Muhayyo TO`LAGANOVA.**

---

ЭЪЛОНЛАР

**"REAL AUKSION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

I. Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани суд ижрочилари бўлими томонидан: Тошкент вилояти Зангиота тумани Кўксарой ҚФЙ манзилида сақланаётган: 1. 25.06.2011 йилдаги 1-267-сонли ижро варақасига асосан: 1988 йилда и/ч., дав/рақ: 10А516DA, бошланғич баҳоси - 672 636,72 сўм бўлган "УАЗ469Б" русумли; 2. 17.05.2011 йилдаги 1-887-сонли ижро ҳужжатига асосан: Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани Қорасув ҚФЙ манзилида сақланаётган: 1982 йилда и/ч., дав/рақ: 11Т8911, бошланғич баҳоси - 3 206 502,43 сўм бўлган "ВАЗ-212100" русумли; 3. 07.04.2014 йилдаги ижро ҳужжатига асосан: Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани Қорасув ҚФЙ манзилида сақланаётган: 2011 йилда и/ч., дав/рақ: 40Н604ЕА, бошланғич баҳоси - 2 257 538 сўм бўлган "ВАЗ-2106" русумли; 4. 07.04.2011 йилдаги ижро ҳужжатига асосан: Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани Қорасув ҚФЙ манзилида сақланаётган: 1977 йилда и/ч., дав/рақ: 40Н643GA, бошланғич баҳоси - 2 736 824,94 сўм бўлган "ВАЗ-2103" русумли; 5. 23.07.2015 й 225-15-сонли ижро ҳужжатига асосан: Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани Қорасув ҚФЙ манзилида сақланаётган: 2006 й и/ч., дав/рақ: 10А855ЕА, бошланғич баҳоси - 26 100 000 сўм бўлган "ГБА СПГ Нексия Сонс-1" русумли; 6. 23.07.2015 й 1-249-2015-сонли ижро ҳужжатига асосан: Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани Қорасув ҚФЙ манзилида сақланаётган: 2002 й и/ч., дав/рақ: 10Р169КА, бошланғич баҳоси - 17 219 700 сўм бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситалари такроран аукцион савдосига қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2016 йил 10 февраль куни соат 11:00 да ўтказилади.

II. Тошкент вилояти Бўка тумани суд ижрочилари бўлими томонидан: Тошкент вилояти Бўка тумани Асамайли ф/у манзилида сақланаётган: 20.05.2015 йилдаги 3026-сонли ижро варақасига асосан: 2009 йилда и/ч., дав/рақ: 10R391FA, бошланғич баҳоси - 28 000 000 сўм бўлган "ДАМАС" русумли автотранспорт воситаси аукцион савдосига қўйилмоқда

Аукцион савдоси 2016 йил 24 февраль куни соат 11:00 да ўтказилади

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача) аукцион бошланишидан бир кун олдин (аризаларни қабул қилишнинг оҳирги муддати: 2016 йил 10 февраль куни ўтказиладиган савдоларига 2016 йил 8 февраль соат 16.00 гача; 2016 йил 24 февраль куни ўтказиладиган савдоларига 2016 йил 22 февраль соат 16.00 гача) тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "REAL AUKSION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20208000104996600001, МФО 01101, ИНН 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13.

Гувоҳнома № 006795.

**"NEW ESTATE ACTION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдоларига: I. Тошкент вилояти Зангиота тумани СИБ томонидан: 22.09.2014 йилдаги 10-1420/12855-сонли ижро варақасига асосан: Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани, Озодбек қўрғони, Б.У.У. Озодбек Ширин олма боғи кўчаси 165-сонли уй манзилида жойлашган: умумий фойдаланиш майдони 166,0 кв.м. (Литер 0001-дала ҳовли; Литер 0002-ҳовуз; Литер 0003-ҳовуз; Литер 0004-шийпон; Литер 0005-ҳаммом; Литер 0006-ҳожатхона;) бўлган "дала ҳовли" аукцион савдоларига такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси - 64 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 11 февраль куни соат 12:00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача) аукцион бошланишидан бир кун олдин (аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 11 февраль куни ўтказиладиган савдоларига 2016 йил 9 февраль соат 16.00 гача) тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "NEW ESTATE ACTION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО 01101, ИНН 302373151. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13.

Лицензия: RR-0148.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ
Навбатчи Бектош ИСМОИЛОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-4964. Адади 13599. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.40.